



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Пулатова Нигорахон Раҳимжонова

Фарғона давлат университети мустақил изланувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАРИ ВА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНИШИДА МЕЪЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ МАНБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация

Мақолада олий таълим талабаларида экологик билимлари ва маданиятини шаклланишида меъёрий-хуқуқий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: экология, маданият, таълим-тарбия жараёни, хуқук.

Ҳар қандай жамиятда уни аъзоларининг фаолияти, хуқук ва бурчлари, устивор вазифалари сифатида муайян хуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топади. Шунингдек табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар, мамлакатимиз аҳолисининг бу муносабатлардаги фаолиятининг қай даражада бўлиши Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Ўзбекистон Республикасида “Табиатни муҳофаза қилиш” қонунида, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги фармонида, “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш” концепциясида ва бошқа кўплаб хуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида республикамизнинг экологик тараққиёт стратегиясининг асосий қоидалари, экологик ва аҳолининг экологик хавфсизлигига доир талаблар белгиланган бўлиб, ушбу хуқуқий-сиёсий ҳужжат мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича энг муҳим ва асосий қоидаларни белгилаб беради. Конституцияда баён этилган меъёрий-хуқуқий кўрсатмалар табиат ва жамиятни ўзаро алоқаси натижасида юзага



келадиган ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни меъёрий жихатларини белгилаб беради. Конституциянинг 50-моддасида фуқаролар атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар деб кўрсатилган. Афсуски, халқимизнинг айниқса ёш авлоднинг экологик маданияти, саводхонлиги, экологик қонунларни билиши талаб даражасида эмас.

Конституциянинг 54-моддасида мулкдан фойдаланиш экологик мухитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларни бузмаслиги шарт деб кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясида мамлакатимиз аҳолиси ва айниқса ёш авлодни экологик билим ва маданиятини шакллантиришга қаратилган муҳим кўрсатмалар мавжуддир. Концепциянинг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлодда экологик билим, онг, маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, экологик таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, шунингдек экология соҳасидаги илм-фанни жаҳоннинг илғор инновацион технологияларини жалб қилган ҳолда янада такомиллаштириш кўрсатиб ўтилган. Концепциянинг 6-бобида олий-таълим тизимида экологик таълимни такомиллаштириш, нозкологик йўналишларда тегишли ўқув фанларига экология ва атроф мухит муҳофазасига оид мавзулар киритилади, ҳамда илм-фанда эришилган ютуқлар, экология ва атроф мухит муҳофазасига оид янги технология ва тадқиқотлар асосида мунтазам янгиланиб борилади деган кўрсатмалар бор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли маълумотларига кўра барча турдаги таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган экология ўқувчининг мажбурийлигига оид талаблар етарли даражада бажарилмаяпти. Амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари мазмунан, экологик билим, кўникма, малака ва компетенциялар билан зарур даражада бойитилмаган “Таълим тизимининг барча босқичларида амалда бўлган таълим дастурлари бугунги кундаги глобал экологик муаммоларни бартараф этиш, мавжуд экологик хавф-хатар даражасини камайтириш, табиий мухитни қайта тиклашга қаратилган умуммиллий тадбирлар моҳияти билан мувофиқлаштирилмаган деган муҳим камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Ёш авлоднинг экологик саводхонлиги, экологик маданияти аввало оила-маҳалла, боғча-мактаб, олий таълим тизимида шакллантириш ва ривожлантириш талаб этилади. Сувни ифлос қилмаслик, жонзотларга нисбатан меҳрли бўлиш, ўзи яшаб турган мухитни тозалигини сақлаш, покиза кийиниш, гигиенага риоя қилиш, жамоат жойларида ўзини тутиш каби дастлабки экологик билимларни аввал оилада эгалланади. Таълим-тарбия жараёнида эса экологик билимлар ривожлантирилади, экологик маданият шаклланади, ҳуқуқий экологик маълумотлар ўрганилади. Бугунги кунда фойдаланилаётган ўқув –меъёрий ҳужжатлар экологик ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан узилиб қолган, экологик қонунлар кам ўрганилади. Шунинг учун ҳам Республикамиз аҳолисининг турли қатламларида экологик маданият шаклланмаган, атроф мухит ҳолатини муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан танишмаган. Аҳолини турли қатламларини экологик саводхонлигини ошириш, экологик маданиятини шакллантириш ва шу орқали атроф мухит ҳолатини барқарорлаштириш, яшил майдонлар ташкил этиш, чиқиндилардан такрор ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиб, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган тадбирларда



Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг самарали фаолияти ижобий натижалар бермоқда. Президентимиз “яшил макон умуммиллий лойиҳаси доирасида йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни амалдаги 8%дан 30%га ошириш режасини маълум қилди. 2-ноябрдан 10 декабргача бўлган муддат дарахт экиш бўйича долзарб 40 кунлик” деб эълон қилинди. Бундан ташқари дарахтларни кесишга мараторий 2024 йилгача қадар узайтирилиши ва жавобгарлик кескин кучайтирилиши белгиланган.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йилнинг 2 феврал куни чиқиндилар билан ишлаш тизими ва экологик ҳолатни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар юзасидаги видео селектор йиғилиши ўтказилди.

Ш.Мирзиёев “Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшашлари учун биз табиатга меҳр ва эътибор беришимиз, у билан уйғун бўлиб яшашимиз керак. Бу нима дегани? -бу табиатни тоза-озода тутиш, ер ва сув ресурсларини, экологик тизимни асраш, дарахт экиб боғ яратиш дегани. Энг муҳим масала-аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур, албатта бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга даҳлдорлик хиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин. Аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур”, деган қимматли маълумотларни берди. Бундай қимматли маълумотларни ўрганиш, талабаларга ўргатиш орқали уларнинг экологик билим ва саводхонлигини, экологик маданиятини шакллантириш олий таълим тизимида таълим ва тарбия жараёнининг узвий қилишга айланиш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон. 2018, -Б. 6-7.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 754-ХII-сон Қонуни. 1992 йил 9 декабрь. <http://lex.uz/pages/getpage>
3. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. –Тошкент, Ўзбекистон, 1997. (Қонунҳужжатларимаълумотларимиллийбазаси, 05.05.2018 й., 06/18/5430/1164-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги 269-II-сон Қонуни. 2001 йил 30 август. <http://lex.uz/pages/getpage...>
5. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхонаси. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. Тошкент. 1998. –Б. 9.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3160-сон “Маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори. // Халқ сўзи. 2017 йил 28 июнь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-



- қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 607-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши./Халқ сўзи. 2017 йил 13 январь.
 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон Фармони.Халқ сўзи. 2017 йил 6 июль.
 11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори./ Халқ сўзи. 2017 йил 16 май.
 12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 273-сон Қарори. 2016 йил 23 август. <http://lex.uz/pages/getpage...>
 13. Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”24-сон Қарори, / Халқ сўзи 2018 йил 13 январь.
 14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Yoshlar-kelajagimiz” “Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармони. Халқ сўзи. 2018 йил 28 июнь.
 15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3907-сонли Қарори./ Халқ сўзи 2018 йил 15 август.
 16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 июндаги “Ёшлар - келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида” ги Фармони
 17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4306-сонли Қарори. / Халқ сўзи. 2019 йил 4 май.
 18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори. / Халқ сўзи. 2019 йил 18 июнь
 19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.



<https://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-oliy-talim-tizimini-2030-yilgachariv-09-10-2019>.

20. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маъросимдаги нутқи // Халқ сўзи. 2020 йил 1 сентябрь.
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Туркманистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 25 август, №173 (7131).
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 434-сон қарорига асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш Концепцияси. <http://lex.uz/pages/getpege>.